

фондлар маблағларини даромад олиш учун инвестиция қилиши мумкин, аммо у олинган барча даромадларни ўзи ташкил этган ташкилотларнинг фойдасига йўналтириши шарт.

Сўнгги йилларда институционал инвестиция бозоридаги тенденциялар глобал иқтисодий ноаниқлиқ, жумладан мамлакат иқтисодий соҳаларига ривожланган давлатлар томонидан қўлланаётган санкциялар туфайли ортиб бораётган хавфга боғлиқ бўлиб, инвестиция қилинган капиталнинг даромадлигини сақлаб қолиш ёки ошириш учун ўз портфелларини янада хавфлироқ воситаларни қўшиш учун кенгайтиришга ундаиди. Шу сабаб институционал инвестициялар соҳасини ислоҳ қилиш орқали пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, банклар, пай фондлари ва бошқалар учун инвестицияларни қўшимча рағбатлантиришдан иборат бўлади.

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ БОШҚАРИШДА РАҶАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎРНИ

*Турғунмирзаев Азмиддин Шамситдин ўғли
Ўзбекистон Республикаси Банк-Молия Академияси
Мустақил изланувчи – фалсафа доктори (PhD),
Шамситдинов Мирсаид Азмиддин ўғли
Наманган Мухандислик-технология институти
Иқтисодиёт факультети талабаси*

Суғурта мамлакат молиявий тизимининг асосий бўғинидир, у табиий оғатлар, баҳтсиз ходисалар, ишлаб чиқариш жараёнидаги рисклар ва мулкий йўқотишлар риски юқори бўлган бошқа кутилмаган ҳодисаларга боғлиқ равища ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашга қодир, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоясини таъминлайдиган, иқтисодиётда инвестицион жараённи барқарорлишибтирадиган восита ҳисобланади. Мамлакатимизда суғурта бозори жадал суръатлар билан ривожланмоқда ва кўплаб мамлакатларни ўсиш кўрсаткичларини ортдақолдирмоқда. Аммо мамлакатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида унинг ролини ошириш ҳамон ечилмаган вазифа бўлиб келмоқда. Бугунги кунда мамлакатимиз суғурта фаолиятида аҳолига суғурта хизматлари кўрсатишни ривожлантириш, унда ахборот коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланган ҳолда суғурта хизматларининг янги турларини жорий этиш масаласи долзарб ҳисобланади.

Суғурта бизнесини янада такомиллаштириш мақсадида, кичик ва йирик молиявий технология компаниялари мижозларга кўрсатиладиган хизматларни яхшилаш учун “сунъий ақл-идрок” (артифисиал интеллигенсе) ва раҷамли технологиялардан кенг фойдаланилмоқдалар. Чунки,

бозордаги янги рақобатчилар барча ўлчамдаги эски молиявий институтларга таҳдид сола бошлади. Шу билан бирга янги технологиялар чакана хизматлар бозорида ҳам катта имкониятлар яратмоқда. Замонавий технологиялар мунтазам такомиллашиб боргани сайин, табиийки, соҳанинг қонунчилик асослари ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сонли "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ўз вақтида қабул қилинган хужжат экани билан ғоят аҳамиятлидир⁹⁹. Айниқса, Муҳтарам Президентимиз Шавкат Миронович Мирзиёев томонидан Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига қилган Мурожаатномасида "2020 йил – Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиёт йили" деб эълон қилинганлиги ҳамда “.....замонавий суғурта хизматлари йўлга қўйилади.....”, - дея эътироф этилди. Бу эса албатта Ўзбекистон суғурта тизимини янги, замонавийлашган ва жаҳон стандартлари мос қилиб ривожлантиришни, янги инновацион суғурта маҳсулотларини жориш этишни талаб қиласи ҳамда суғурта хизматлари ва бозорини ривожлантиришга оидқатор вазифаларни бажариш кераклиги аён бўлди¹⁰⁰. Шу сабабли рақамли иқтисодиёт тушунчасининг мазмун ва моҳиятини чуқур таҳлил этиш ва ёритиб бериш долзарб масалалардан биридир. "Рақамли иқтисодиёт" атамаси илмий амалиётга испаниялик ва америкалик социолог, ахборотлашган жамиятнинг етакчи тадқиқотчиси Мануел Кастелс томонидан киритилган. Бу борада у ўзининг "Ахборот даври: иқтисод, жамият ва маданият" номли уч жилдли монографиясини чоп этган. Унинг фикрича рақамли иқтисодиёт атамаси икки хил турдаги тушунчаларни ифодалаш учун ишлатилади. Биринчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ривожланишнинг замонавий босқичи ҳисобланниб, у ижодий меҳнат ва ахборот неъматларининг устувор ўрни билан тавсифланади. Иккинчидан, рақамли иқтисодиёт – бу ўзига ҳос назария бўлиб, унинг ўрганиш объекти, ахборотлашган жамият ҳисобланади. Рақамли иқтисодиёт назарияси ўз ривожланишининг бошланғич давридадир, чунки цивилизациянинг рақамли ахборот босқичига ўтиши бир неча ўн йил аввалгина бошланган. Ушбу тушунчаларни боғлаб турадиган омил – бу иқтисодий жараёнларнинг глобаллашувида ахборот технологияларининг бирламчи ўринни эгаллаши бўлиб ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиёт, бу — алоҳида фаолият тури эмас. Бу, аслида, ишбилармонлик, саноат объектлари, хизматлар деганидир. "Рақамли" атамаси мазкур соҳаларнинг барчаси ахборот технологияларидан фаол фойдаланишни англатади. Агар оддий иқтисодиётда моддий буюмлар

⁹⁹Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони. 2018 йил 19 феврал.

¹⁰⁰Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш давлат дастурлари доирасида амалга оширилаётган лойиҳаларни кредитлаш тартибини такомиллаштиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида" 24.10.2019 йилдаги ПҚ-4498-сон Қарори.

асосий ресурс ҳисобланса, рақамли иқтисодиётда бу қайта ишланадиган ҳамда узатиладиган ахборот, маълумотлар бўлади. Уларнинг таҳлилидан сўнг тўғри бошқариш бўйича ечим ишлаб чиқилади.¹⁰¹

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, "Рақамли иқтисодиёт"ни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ, қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасак, қачон киришамиз?! Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис, "Рақамли иқтисодиёт"га фаол ўтиш – келгуси 5 йилдаги энг устувор вазифаларимиздан бири бўлади. Бунда 1 млн. замонавий дастурчи-кадрларни республикамизнинг олий таълим муассасалари (хорижий етук мутахассисларни жалб этган ҳолда) тайёрлашлари зарур. Рақамли технологиялар нафақат маҳсулот ва хизматлар сифатини оширади, ортиқча харажатларни камайтиради.

Замонавий электрон-рақамли дунё суғурта ташкилотларининг молиявий барқарорликка бевосита таъсир қилувчи рискларни имкон қадар аниқ ва тўғри баҳолаш мақсадида суғурталанувчиларни кенг қамровли маълумотлар билан таъминлаб, суғурта фаолияти учун кўплаб имкониятларни очиб бермоқда. Шу билан бирга, рискларни баҳолашнинг сифатли моделини шакллантиришга ва суғурта ҳодисаларининг юз бериш эҳтимолини прогноз қилишга бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодиётни рақамлаштириш жараёни суғурталовчилар, яъни суғурта бозорининг асосий иштирокчилари, суғурта фаолиятини амалга оширувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига ҳам жиддий таъсир этади.

Рақамлаштириш суғурталовчиларнинг базавий инновациялардан манфаатдорлигини белгилаб беради. Улар суғурта жараёнлари ва механизмларини соддалаштириш мақсадида рақамли технологиялардан борган сари фаолроқ фойдаланади. Бундай технологияларга, хусусан, автоматлаштириш, чатботлар (chatbots), маълумотга булут ичida ишлов бериш (cloud computing), сунъий интеллект элементлари бўлган технологиялар (artificial intelligence) киради.

Суғурта компаниялари фаолиятининг мақсади суғурталанувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга қаратилиши лозим, уларнинг эҳтиёжлари албатта иқтисодиёт рақамлаштирилиши муносабати билан ўзгариб боради. Қисқа муддатли даврда бундай натижаларга эришиш суғурталовчи учун ўз фойдасини ошириш имконини таъминлайди. Айни пайтда рақамли технологияларни жорий қилиш суғурталовчи учун товарнинг қиймат занжирида ҳаракати давомида харажатларни камайтириш имконини беради. Чунончи, жараёнларни автоматлаштириш суғурта даъво аризаларига ишлов бериш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг қисқаришига олиб келиши мумкин.

Узоқ муддатли даврда фойда олиш инновацион суғурта маҳсулотлари ва ҳимоялаш хизматларини (protection services) жорий қилиш билан боғлиқ. Киберхавфсизлик муаммоси компаниялар, уй хўжаликларининг ахборот йўқолиши ва кейинги зарар кўришдан ҳимоя қиладиган ёки уларнинг олдини олувчи маҳсулотларга талаби ортишига олиб келади. Суғурталанувчиларнинг иқтисодиётни рақамлаштириш билан белгилаб берилган янги эҳтиёжлари янги технологиялар билан биргаликда суғурта компаниялари учун катта ўсиш имкониятларини таъминлайди. Лекин фаолиятини тартибга солища мураккабликлар янги суғурта компанияларининг бозорга кириши учун жиддий тўсик бўлиб қолмоқда. Суғурта бозорида фаолият юритувчи компанияларнинг ўлчами, истеъмолчиларнинг мулк суғуртаси, баҳтсиз ҳодисалардан суғурта (property and casualty, P&C) ва айниқса, ҳаётни суғурталаш соҳасида ўз суғурталовчиларни ўзгартиришни истамаслиги янги иштирокчилар учун қийинчиликларга сабаб бўлади, уларга бозордаги ўз улушкини тез эгаллашига тўсик бўлмоқда. Бундан ташқари фаолият юритувчи суғурта компаниялари катта капитал захираларига эга бўлади, стартаплардан фарқли равишда узоқ йиллар давомидаги тажрибаси ва бозор ҳақидаги маълумотларининг кўп миқдорига асосланган суғурта кўникмалари борлиги билан ажралиб туради.

Юқоридагилар нима учун суғурта соҳасининг рақамли “ривожланиши” умуман олганда, бошқа соҳаларга нисбатан “кечикаётганлигини” изоҳлайди. Лекин бугунги кунга келиб, вазият ўгариб бормоқда. Соҳага инвесторлар томонидан йўналтирилаётган маблағлар, ҳозир бу соҳа “кириб бўлмайдиган” деб қаралмаётганидан далолат бермоқда. Чунончи, Австралия, Сингапур, Буюк Британияда бозорнинг инновацион бизнес-режаларни жорий қилиниши суғурта телематикасини пайдо бўлишига туртки бўлди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Корпоратив бошқарув кодекси. // “Халқ сўзи”, 2016 йил 11 марта.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган. www.lex.uz.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 авгуустдаги “Ўзбекистон Республикасининг суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4412-сон қарори. (www.lex.uz)
4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2013 йил 30 апрелдаги “Суғурталовчининг, суғурта брокерининг ҳамда улар алоҳида бўлинмаларининг раҳбарига ва бош бухгалтерига қўйиладиган малака талаблари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 42-сон буйруғи. (www.lex.uz)
5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2008 йил 20 ноябрдаги “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 107-сон буйруғи билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2008 йил 15 декабрда 1882-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган “Суғурталовчиларнинг суғурта захиралари тўғрисидаги Низом”. (www.lex.uz)